

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРБАЕВ АЗАМАТ БАХРАМОВИЧ

**АСТРОНОМИЯНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА
ЎҚИТИШДА МЕДИАТАЪЛИМ ВОСИТА СИФАТИДА**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (астрономия)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Нарбаев Азамат Бахрамович

Астрономияни инновацион ёндашув асосида ўқитишда медиатаълим восита
сифатида.....3

Нарбаев Азамат Бахрамович

Медиаобразование как средство при инновационном подходе обучения
астрономии.....23

Narbaev Azamat Bakhramovich

Media education as a tool in an innovative approach to teaching
astronomy.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРБАЕВ АЗАМАТ БАХРАМОВИЧ

**АСТРОНОМИЯНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА
ЎҚИТИШДА МЕДИАТАЪЛИМ ВОСИТА СИФАТИДА**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (астрономия)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Ped1115 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tersu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамадазимов Мамадмуса**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Махмудов Юсуп Ганиевич**
педагогика фанлари доктори, профессор

Камалов Амангелди Базарбаевич
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Мирзо Улугбек номидаги ЎЗР ФА Астрономия институти**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» 05 соат 11²⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол Авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). 190111, Термиз ш., Баркамол Авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2021 йил «12» 05 кuni тарқатилди.
(2021 йил «12» 05 даги 4 - рақамли реестр баённомаси).



И.Т.Чориев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Қ.Бозорова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Х.Ж.Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот маконининг зарарли таъсирларидан ёш авлоднинг онгини ҳимоялаш ва уларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришда медиатаълим имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Австралия, Канада, АҚШ каби бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларда медиатаълим ёшларга реал ҳаёт ва медиаматн ўртасидаги фарқни, медианинг ҳаётдаги ролини, ахборотнинг туб моҳиятини англашни, медианинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ва унинг тилини ўргатишда алоҳида фан сифатида ўқув жараёнига татбиқ этилган. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан медиа орқали таълим бериш, таълим олувчиларнинг медиасаводхонлигини ва медиаманбалар ҳақидаги танқидий фикрлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш, медианинг салбий таъсирини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масалалари алоҳида эътироф этилган.

Халқаро миқёсда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ошириш учун медиатаълимни ўқув предметлари мазмунига интеграциялаш методикасини ривожлантириш, медианинг инсонга салбий таъсирини камайтириш, медиахабарларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқот ишларлари астрономия фанини ўқитишда ўқувчиларнинг тасаввур қилиш қобилиятларини ва ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш, астрономик мазмундаги медиахабарлар билан ишлашнинг янги усул ва методлари тизимини ишлаб чиқишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса астрономия фанини ўқитишда медиатаълимдан фойдаланиш бўйича методик тизимни илмий асосда ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда таълимга қаратилган ислохотлар натижасида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ва ахборот алмашилиш тизимларини ривожлантириш, ўқув жараёнига ахборот технологиялари ҳамда дастурий-педагогик воситаларни интеграция қилиш, ўқув-методик таъминотни яхшилаш бўйича имкониятлар яратилмоқда. Президентимиз томонидан жорий йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устивор вазифа сифатида белгиланиши ҳам бунинг яққол исботидир. Ушбу ислохотларни астрономия фани ўқув жараёнига тадбиқ этишда ижобий томонлари билан бир қаторда, баъзи долзарб муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу муаммоларга мисол қилиб, ҳозирги пайтда Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фанидан дарс машғулотлари олиб бораётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги физик мутахассислар бўлиб, уларнинг астрономик билим, кўникма ва малакаларини ошириш зарурлигини, астрономия дарслигида соҳадаги энг сўнги кашфиётлар ҳақида маълумотларнинг камлигини, астрономиядан керакли лаборатория ускуналари ҳамда ўқув кўргазмали қуролларнинг етишмаслигини айтиб ўтишимиз мумкин. Бу муаммоларни ҳал қилишда медиатаълим имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 14 сентябрдаги “Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактаб-интернатини ва “Астрономия ва аэронавтика” боғини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3275-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимида астрономиянинг назарий асосларини ривожлантириш бўйича Ш. Эгамбердиев, И. Саттаров, Б. Аҳмедов, М. Мамадазимов, С. Нуритдинов, Б. Маҳмудов, С. Илясов, Ч. Шерданов ва бошқалар изланишлар олиб боришган. Таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва методик асослари А. Абдуқодиров, Б. Абдуллаева, М. Алламбергенова, У. Бегимкулов, И. Билолов, М. Джораев, Х. Маҳмудова, У. Абдиев, М.А. Мирзаева, Б. Саттарова, Г. Умарова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида табиий фанларни медиатаълим ва инновацион технологиялар асосида ўқитиш муаммолари А. Журинов, Л. Белоозеров, М.Л. Варлакова, Н.В. Дмитриева, О.М. Севостьянова, Н. Гомулина, Н. Емец, Ю. Икренникова, Ю. Ярмек, Н. Соколова ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Хорижда астрономия ўқитиш методикаси соҳасида Д.А. Мюллер, Э. Бротт, С.Ж. Слейтер, М.К. Венгер, Х.Ж. Ли, В.М. Шлингман, И. Хайер, К.И. Вильямсон, Ш. Гиллетт, З.Э. Бак, В.Р. Александр, Д.Ж. Сторк, А. Фава, П. Руссо, А.Р. Олмстед, Т.С. Спак, Д.А. Людович, Р.Р. Людвиг, Х.М. Родригес, Ф. Торранг каби олимлар тадқиқот ишлари олиб боришган.

Астрономияни медиатаълим ва инновацион технологиялар асосида ўқитиш муаммолари Л. Гугенейм, Д. Макналли, Ж. Перси, Б. Бектасли, А. Хек, К. Мадсен, Р. Минц, А. Ерликая, Р. Трампер, И. Ханнула, К. Моури ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Астрономия фанини ўқитиш муаммолари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, умумий ўрта таълим мактабларида Астрономия фанини ўқитишда ўқувчиларнинг астрономик ҳодиса ва

тушунчалар ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмаган, дарсларда эски ва мураккаб чизмалардан фойдаланиб келинган. Астрономияни инновацион ёндашув асосида ўқитишда медиатаълимдан восита сифатида фойдаланган ҳолда, ўқувчиларнинг коинот ҳақидаги тасаввурларини, уларнинг медиасаводхонлигини, мустақил ишлаш қобилияларини ривожлантириш бўйича ҳам етарлича тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги аниқланди. Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг аниқланиши, умумий ўрта таълим мактабларида Астрономия фанини ўқитишда медиатаълимдан фойдаланиб ўқувчиларнинг астрономик ҳодиса, жараён ва тушунчалар ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш, уларни медиатаълим имкониятларидан тўғри фойдаланган ҳолда, мустақил ишлашга ўргатиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини юзага келтирди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Физика ва астрономия фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишда виртуал муҳитни шакллантириш” амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқитишда медиатаълимдан фойдаланган ҳолда, ўқувчиларнинг астрономик мазмундаги билими, кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг методик асосларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим мактабларида медиатаълимнинг астрономия фанига интеграциялашган фаолиятли тузилмасини ўқувчиларда астрономик мазмундаги амалий компетенцияларни ривожлантиришнинг педагогик компонентларини аниқлаштириш асосида ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фани ўқув машғулоти мазмунини медиаманбаларнинг ўзаро интегратив хусусиятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш;

астрономия фанига оид медиахабарларнинг функционал таркибини аниқлаштириш асосида ўқувчиларнинг астрономик мазмундаги ахборотлар билан ишлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг астрономик тасаввурлари ва медиакомпетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминотни медиаматериалларнинг астрономия дарсларидаги дидактик имкониятлари мазмунини очиқ бериш асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида медиатаълим асосида астрономия ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 9 та умумий ўрта таълим мактабининг жами 563 нафар ўқувчиси жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқитиш жараёнида медиатаълимдан фойдаланиш ва уни қўллаш шакл, метод ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета сўрови, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида медиатаълимнинг астрономия фанига интеграциялашган фаолиятли тузилмаси ўқувчиларда астрономик мазмундаги амалий компетенцияларни ривожлантиришнинг педагогик компонентларини (мақсадли, мазмунли-ташкилий, технологик-жараёнли, назорат-баҳоловчи) аниқлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фани ўқув машғулоти мазмуни медиаманбаларнинг ўзаро интегрatív хусусиятларига (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, мақсадли, умумдидактик, фунуционал, мазмунли) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг астрономик мазмундаги ахборотлар билан ишлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар астрономия фанига оид медиахабарларнинг функционал таркибини (ахборот-коммуникацион, илмий, тарбиявий, когнитив, коррекцион, ижтимоий, психологик, маданий, эстетик) аниқлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг астрономик тасавурларини ва медиакомпетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминот медиаматериалларнинг астрономия дарсларидаги дидактик имкониятлари мазмунини очиб бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаблари тизимида медиатаълим воситасида астрономияни инновацион ўқитишга йўналтирилган 11-синф «Астрономия» номли электрон ўқув қўлланма ва электрон дастурий воситалар таъминоти яратилган;

умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқитишни методик қўллаб-қувватлаш мақсадида, астрономияга оид илмий асосга эга маълумотлар (видео, аудио, расм, анимация, симуляция, 3 ўлчамли расмлар, фойдали Интернет сайтлари, астрономия соҳасидаги илмий янгиликлар, дастурий-педагогик воситалар ва бошқалар), дарс ишланмалари, мавзу тақдимотлари, адабиётлар ва тестларни «Онлайн Астрономия (Online Astronomiya)» телеграм канали орқали Ўзбекистон бўйлаб ўқитувчи ва ўқувчиларга етказиб берилган;

астрономияни ўқитишда ўқувчилар ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш ҳамда медиатаълим асосида дарсларни мавзуй режалаштириш бўйича дарс ишланмалари, умумўқув кўникма ва малакаларни оширишга имкон берувчи муаммоли топшириқлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган ёндашув ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фанига интеграциялашган медиатаълимнинг фаолиятли модели, астрономиянинг медиатаълим билан интеграциясини таъминлашда зарурий кўникмалар тизими, медиатаълим асосида астрономия дарсларини ташкил этишга инновацион ёндашиш методининг ишлаб чиқилганлиги, астрономия ўқитишнинг кўргазмали маълумотлар билан бойитилганлиги, баҳолаш мезонларининг такомиллаштирилганлиги, астрономик мазмундаги илмий асосланмаган медиахабарларга нисбатан ўқувчиларда иммунитетни шакллантириш йўллариининг кўрсатилганлиги, астрономия фанини ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режа, дастурларни такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти медиатаълим асосида астрономия ўқитиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-методик муаммонинг тадқиқотда қўйилган вазифалар даражасида ҳал қилинганлиги, шунингдек, ўқитиш жараёнида унинг аҳамияти ва зарурияти очиб берилганлиги ҳамда тадқиқотда илгари сурилган фаразлардан астрономия ўқитиш методикаси бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Астрономияни инновацион ёндашув асосида ўқитишда медиатаълимдан восита сифатида фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фани ўқув машғулотилари мазмунини медиаманбаларнинг ўзаро интегратив хусусиятларига (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, мақсадли, умумдидактик, функционал, мазмунли) устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика Таълим марказининг 2020 йил 8 июлдаги 01/11-03/6-682-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур Давлат таълим стандарти ўқувчиларнинг таянч ва фанга оид умумий компетенциялари таркибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

умумий ўрта таълим мактабларида медиатаълимнинг астрономия фанига интеграциялашган фаолиятли тузилмасини ўқувчиларда астрономик мазмундаги амалий компетенцияларни ривожлантиришнинг педагогик

компонентларни (мақсадли, мазмунли-ташкилий, технологик-жараёнли, назорат-баҳоловчи) аниқлаштириш асосида ишлаб чиқишга оид маълумотлардан 574099-ЕРР-1-2016-1-IT-ЕРРКА2-СВНЕ-SP-сон «Олий таълим соҳасида потенциални ривожлантириш йўналишидаги PAWER–Худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳасини (2016-2019) бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4234-сон маълумотномаси). Натижада, медиатаълим асосида ишлаб чиқилган инновацион ёндашув методи ўқувчиларнинг астрономия фани бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, астрономия фанининг мазмунини такомиллаштириш имконини берган;

ўқувчиларнинг астрономик мазмундаги ахборотлар билан ишлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар астрономия фанига оид медиахабарларнинг функционал таркибини (ахборот-коммуникацион, илмий, тарбиявий, когнитив, коррекцион, ижтимоий, психологик, маданий, эстетик) аниқлаштириш асосида ишлаб чиқишга оид маълумотлардан фойдаланиб, 21.06.2020 йил «Ўзбекистон 24» канали «Қуёш тутилиши ҳодисасига бағишланган» телемулоқот кўрсатувида диссертация материаллари оммалаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4234-сон маълумотномаси). Натижада, астрономия фанини медиатаълим асосида ўқитишда ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантиришнинг зарурий кўникмалар тизимини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети

аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми ўз аксини топган.

Диссертациянинг «Умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фанини ўқитишда медиатаълимнинг қўлланилиши» номли биринчи бобида медиатаълимнинг астрономия фанини ўқитишдаги аҳамияти, мактаб астрономия фанига интеграциялашган медиатаълимнинг мақсад ва вазифалари, астрономия фанини ўқитишда қўлланиладиган мультимедиали дастурий-педагогик воситалар ва уларнинг имкониятлари, жаҳонда ва мамлакатимизда астрономия фанини ўқитишда медиатаълимдан фойдаланиш тажрибаси каби масалаларга тўхталиб ўтилган.

Маълумки, ўқув мақсадлари доимий бўлмайди. Улар ижтимоий талаб асосида шаклланади ва жамият ривожланиб борган сари улар ҳам мос тарзда ўзгариб боради. Бугунги ижтимоий талаблардан келиб чиқиб, ўқув мақсадлари медиатаълим мақсадлари билан мос тушиши керак. Чунки, бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий талаблар ахборот соҳаси билан чамбарчас боғланган. Шу сабабли, маълум бир ўқув фанига интеграциялашган медиатаълимнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун астрономия фани бўйича умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартидан келиб чиқиш тўғри бўлади.

Астрономияни ўқитиш ва медиатаълимнинг мақсадлари таҳлили шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда улар нафақат маъно жиҳатдан, балки матн жиҳатидан ҳам бир-бирига мос келади. Мақсадларни таҳлил қилиш натижалари медиатаълимнинг умумий мақсадларидан астрономия фанига тўғри келадиган жиҳатларини ажратишга имкон берди ва астрономия фанига интеграциялашган медиатаълим мақсадлари қуйидагича аниқлаштирилди:

мактаб астрономия фанига мос келадиган оммавий ахборот воситалари орқали узатиладиган маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

астрономия фани билимларидан фойдаланган ҳолда, ўқувчиларнинг танқидий фикрлашини шакллантириш, медиахабарнинг яширин маъносини тушуниш, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) томонидан шахс онгининг бошқарилишига қарши туриш қобилиятларини ривожлантириш;

астрономиядаги шаклланган билим ва кўникмалар тизимида унинг мазмунига мос келадиган мактабдан ташқари маълумотни умумий базавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда киритиш;

ўқувчиларнинг керакли техник маълумотларни, шу жумладан, турли хил техник воситалардан фойдаланган ҳолда қидириш, тайёрлаш, узатиш ва кўчириб олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Астрономия ўқитишнинг вазифалари бугунги шиддат билан ривожланаётган ахборот асрида ўзига хос қўшимча вазифалар орқали ўқитиш сифати самарадорлигига эришишни тақозо этади. Бу қўшимча вазифалар бугунги ўқувчининг замонавий қарашларидан келиб чиққан ҳолда, танланиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ўқувчиларнинг замонавий маълумот манбаларини инобатга олган ҳолда, медиатаълим ва астрономия

ўқитиш вазифалари бир-бирига таққослаб чиқилди ва уларнинг мос жиҳатлари аниқлаштирилди. Бунинг натижасида астрономия ўқитиш ва медиатаълим интеграциясини таъминловчи вазифалар белгилаб олинди ва уни қуйида келтириб ўтамиз:

ўқувчиларни ОАВ да узатилаётган астрономик мазмундаги маълумотларни идрок этиш ва уларни қайта ишлашга ўргатиш;

ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш, маълум бир хабарнинг яширин маъносини англаш, оммавий ахборот воситалари томонидан шахс онгининг бошқарилишига қарши туриш қобилиятларини ривожлантириш;

ОАВ нинг астрономик мазмундаги маълумотларини умумий асосий таълим мазмунига киритиш йўллари топиш;

ўқувчиларни керакли маълумотларни топиш, тайёрлаш, етказиб бериш ва кўчириб олиш, турли хил техник воситалардан (компьютерлар, модемлар, проектор, мультимедиа ва бошқалар) фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

ўқувчиларнинг оғзаки нутқни тасвирларга ва тасвирларни оғзаки нутққа айлантириш маҳоратларини ривожлантириш.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фанини ўқитишда медиатаълимдан фойдаланиб астрономик тушунчаларни шакллантириш методикаси**» деб номланиб, унда умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фани билан интеграциялашган медиатаълим мазмуни ва унинг қўлланилиш методикаси, ўқувчиларда астрономия фанига оид илмий асосланмаган медиахабарларга нисбатан иммунитетни шакллантириш йўллари, медиатаълим асосида ишлаб чиқилган 11-синф «Астрономия» электрон ўқув қўлланмасининг тузилиши ва дидактик имкониятлари, астрономик тушунчаларни медиатаълим асосида шакллантириш бўйича тавсиялар баён қилинган.

Маҳаллий ва жаҳон педагогика тажрибаси медиатаълимни ўқув жараёнига интеграциялашнинг қуйидаги учта асосий йўналишлари мавжудлигини кўрсатмоқда:

алоҳида ўқув фани сифатида жорий этиш (махсус фан сифатида);

кўшимча таълим муассасаларида жорий этиш (факультатив медиатаълим сифатида);

тўғридан-тўғри анъанавий мактаб курсларида жорий этиш (ўқув курсларига интеграциялашган медиатаълим сифатида).

Бугунги шароитда учинчи ёндашувдан фойдаланишнинг имкониятлари кенгроқ ҳисобланади. Ҳозирда дунёда медиатаълим кенг тарқалган бўлиб, асосан она тили, хорижий тиллар ва тарих курслари билан интеграциялаштирилган. Табиий фанларни ўқитишда медиатаълимдан оддий ўқув воситаси сифатида фойдаланиб келинмоқда.


Медиатаълим самарадорлигига эришиш учун муҳим омиллардан бири – бу уларнинг керакли моделларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бугунги кунгача дунё медиапедагоглари томонидан медиатаълимнинг кўплаб моделлари ишлаб чиқилган. Бу моделлардан аудиториянинг медиасаводхонлигини оширишда ва маълум курслар билан медиатаълим

интеграциясини таъминлашда фойдаланиб келинмоқда. Ушбу моделларнинг турлари ва шу турларга мос моделларни ишлаб чиққан тадқиқотчилар тўғрисидаги қисқача маълумотларни 1-расмда келтириб ўтамыз.



1-расм. Медиатаълим моделлари ва уларни ўрганган олимлар

Юқоридаги илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ҳамда амалий педагогик тажрибадан келиб чиқиб, астрономия фанига интеграциялашган медиатаълимнинг ижтимоий-маданий, таълимий-ахборот ҳамда амалий-утилитар моделларнинг синтези бўлган фаолиятли тузилмаси ишлаб чиқилди (2-расм). Фаолиятли тузилмаси – таълим муаммоси қисмларга ажратилиб, кичик объектларда ўрганилиши, жараёнларнинг ташкил этилиши, амалга оширилиши ва назорат қилиниши натижасида умумий мақсадга, яъни таълим натижаларига босқичма-босқич фаолият кўрсатиш орқали эришиш имкониятини ифодалайди. Тузилмада кутилаётган натижага эришиш йўллариининг узвийлиги акс эттирилган бўлиб, таълим жараёнининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунини аниқлашда муҳим ҳисобланади.




2-расм. Астрономия фанига интеграциялашган медиатаълимнинг фаолиятли тузилмаси

Бу моделни амалга ошириш жараёнида, яъни астрономиянинг медиатаълим билан интеграциясини таъминлаш учун зарурий кўникмалар тизими керак. Бу кўникмалар тизими 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Астрономиянинг медиатаълим билан интеграциясини таъминлашдаги зарурий кўникмалар тизими

Юқоридаги мақсад, вазифалар, тузилма ва кўникмалар тизимидаги таклиф ва тавсияларни инобатга олиб, қуйида медиатаълим асосида астрономия дарсларини ташкил этишга инновацион ёндашиш методини келтириб ўтмоқчимиз. Бу ўқитиш методида астрономиянинг барча бўлимлари бўйича ҳар қандай дарс шаклларига медиатаълимни жорий қилишга доир таклиф ва тавсиялар кўрсатилган. ОАВ, интернет сайтлари, дастурий-педагогик воситалар, видео ва бошқа медиатаълим компонентларига урғу берилган. Машғулотларни ташкил этишда фойдаланиладиган дастурий-педагогик воситаларнинг турлари бўйича қўлланилашига доир кўрсатмаларга эътибор қаратилган. Уларнинг турларига мос келувчи дастурлар ажратиб кўрсатилган. Медиатаълим асосида астрономия дарсларини ташкил этишга инновацион ёндашиш методини қўллаш ўқувчиларнинг астрономик билимларини, астрономия фани бўйича таянч ва хусусий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилади (4-расм).



4-расм. Медиатаълим асосида астрономия дарсларини ташкил этишга инновацион ёндашиш методи

Астрономия ўқитишда илмий асосланмаган медиахабарларга нисбатан иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Астрономик саводсизлик билан боғлиқ бўлган илмий асосланмаган медиахабарларга нисбатан иммунитет ҳосил қилишда қуйидаги умумий тавсияларни келтириб ўтамиз:

- афсона ёки чалкаш тушунчани тўғри англаш учун медиахабарнинг функцияларини тўғри баҳолаш тавсия этилади;

- афсона ёки чалкаш тушунчанинг пайдо бўлиши учун асосни аниқлаш мақсадга мувофиқдир;

- астрологик, мистик ва НУЖ ҳодисаларига қарши мутахассис-астрономларнинг фикрларини ҳамда расмий манбалардаги маълумотларни қўллаб қувватлаш тавсия этилади;

- астрологик мазмундаги маълумотларни тўғри англаган ҳолда, бу жараёнлар оддий осмон механикаси ҳодисалари эканлиги ўқувчиларга тушунтириш тавсия этилади;

- медиахабар муаллифи (журналис) астроном бўлмаслиги мумкин, ўқитувчи астроном сифатида унинг фикрларини тўғирлаган ҳолда аудиторияга етказиши тавсия этилади;

- медиахабар қайси манбадан тарқатилаётганлигига эътибор бериш (расмий ёки норасмий) лозим;

- баъзи норасмий манбаларда ҳам “расман” ёки “ваколатли давлат органларининг маълумотлари асосида” сўзлари ишлатилиши мумкин. Бу каби медиахабарларни текшириб кўриш таклиф этилади;

- тажрибага асосланмаганлиги учун НУЖ муаммосининг ҳар қандай ечимлари нотўғри эканлигини ўқувчига уқтириш тавсия этилади;

- НУЖ ни кузатиш бўйича ОАВда чоп этилган хабарларга жуда эҳтиёт бўлиш керак, чунки унинг замирида яширин маъно ёки муаллифнинг машхурликка эришиш нияти ётишини ҳисобга олиш таклиф этилади;

- дарс жараёнида НУЖ ҳодисасига камроқ тўхталиш ва уни ўқувчилар диққат марказидан четда қолдириш тавсия этилади. Чунки эътибор қаратилмаётган муаммо ўқувчилар онгида унинг нотўғри эканлигига ишончни кучайтиради.

Медиатаълим асосида ишлаб чиқилган 11-синф «Астрономия» электрон ўқув қўлланмаси гиперҳавола тизимига эга бўлиб, офлайн режимда ишлайди. Унда асосан, астрономия фани мавзулари медиахабарлар (видео, аудио, фото, симуляция, анимация ва бошқалар) асосида тушунтирилган. Бундан ташқари, электрон тест тизими орқали ўқувчилар ўзини ўзи баҳолашлари мумкин. Адабиётлар бўлимида эса қўшимча равишда бугунги кундаги астрономия таълимига ихтисослашган бир қатор интернет сайтлари келтирилган. Медиатаълим асосида ишлаб чиқилган 11-синф «Астрономия» электрон ўқув қўлланмаси қуйидаги тузилишига эга (5-расм).

Мактабда астрономия ўқитиш бўйича ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқитиш билан боғлиқ бир қатор мураккабликлар мавжуд. Бу мураккабликлар қуйидагилар:

ўқувчиларда осмон сфераси ҳақида уч ўлчамли тасаввур ҳосил қилиш мураккаблиги;

астрономия дарсларида фойдаланиладиган чизмаларнинг мураккаблиги ва уни доскага чизиш учун кўп вақт талаб қилиниши;

юлдузларнинг суткалик кўринма ҳаракатини тушунтиришда кузатишнинг кўп вақт талаб қилиниши;


Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракатини тушунтиришдаги мураккабликлар;

Ойнинг ҳаракат фазаларини тушунтиришдаги мураккабликлар;

осмон жисмларининг ҳаракатини тушунтиришдаги мураккабликлар;

Қуёш системасидаги жисмлар ҳақида тасаввурни ҳосил қилишдаги мураккабликлар.

Юқоридаги мураккабликларни камайтириш ва тасаввур ҳосил қилишнинг тўлиқ бўлиши учун 11-синф астрономия электрон ўқув қўлланмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.



5-расм. 11-синф «Астрономия» электрон ўқув қўлланмасининг тузилиши ва дидактик имкониятлари

Диссертациянинг «Педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш» номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг мазмуни ва тажриба-синов ишида олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда, яъни таъкидловчи (2017-2018 йй.), шакллантирувчи (2018-2019 йй.), яқунловчи (2019-2020 йй.) босқичларда

олиб борилди. Тадқиқот иши Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 9-, Жаркўрғон туманидаги 26-, 35- ҳамда Шеробод туманидаги 56-, Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги 18-, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги 289-, Шайхонтохур туманидаги 59-, Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги 88-, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Халқаро математика мактабларининг 11-синф ўқувчиларида ўтказилди.

Биринчи босқичнинг (2017-2018 йй.) асосий мақсади умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқитишда медиатаълимдан фойдаланиш, унинг қўлланилиш ҳолатини ўрганиш, ўқувчиларда медиатаълим бўйича кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаларини аниқлаш методларини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Бунда ўқувчиларнинг астрономиядан ўқув, лаборатория, масала ечиш, кенгайтирилган машғулотлардаги фаолиятлари ўрганиб чиқилди. Астрономия таълимининг умумий ўрта таълим мактаби дастурлари режаси таҳлил қилинди. Умумий ўрта таълим мактабларидаги астрономия дарслари кузатилди. Ўқувчиларда астрономия фанининг бўлимлари бўйича тушунчаларнинг шаклланганлик даражалари текширилди.

Тажриба-синов даврида, ўқувчиларнинг астрономик ҳодиса ва тушунчаларни тўлақонли эгаллашда астрономик ҳодиса ва тушунчаларни тасаввур қилиш қобилиятлари етарлича шаклланмаганлиги ҳамда ўқувчиларнинг астрономик тасаввурларни кенгайтирувчи жиҳозлар етарлича эмаслиги аниқланди.

Тажриба-синовнинг иккинчи босқичида (2018-2019 йй.) ўқувчиларнинг астрономик тасаввурлари шаклланганлиги даражаларининг дастлабки ҳолати аниқланди, астрономик тушунчаларни медиатаълим асосида шакллантириш имкониятлари кўриб чиқилди. Бу йўлда илғор педагогик тажрибалар ҳар томонлама ўрганилди, умумлаштирилди, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Астрономия ва медиатаълим интеграциясини таъминлай оладиган ўқув қўлланма яратилди. Тажриба жараёнида билим имкониятлари бир-бирига тенг бўлган ўқувчилар гуруҳлари иштирок этишди.

Медиатаълим асосида астрономик тушунчаларнинг шаклланганлигини аниқлаш учун тўрт даражали (аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз) баҳолаш мезонидан фойдаланилди. Педагогик тажриба-синов ишларида 563 нафар ўқувчидан 280 нафари тажриба гуруҳига, 283 нафари назорат гуруҳига жалб қилинди (1-жадвал).


Тажриба-синов ишларининг яқунловчи 3-босқичида олдинги босқичда олиб борилган ишлар такомиллаштирилди, аниқланган баъзи камчиликлар тузатиб чиқилди. Тажриба-синов ишларининг натижалари умумлаштирилди, математик статистикадаги Пирсон (χ^2) методидан фойдаланилиб, сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилинди. 2017-2020 йилларда тажриба-синов ишларидан олинган натижаларнинг ва биз таклиф қилаётган методика самарадорлигини тажрибада асослаш учун тажриба ва назорат гуруҳларида машғулотлар ташкиллаштирилди. Уч ўқув йилида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари қуйидаги жадвалда акс эттирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилган тажриба-синов ишларининг умумий статистик таҳлили

Ўқув йиллари	Гуруҳлар	Ўқувчилар сони, нафарда	«5»	«4»	«3»	«2»	Баҳонинг ўртача қиймати	Улуши (%)	Самарадорлиги
Умумий	Тажриба	280	73А 55,7	144В 116,4	54С 92,5	9D 15,4	4,00	51,4%	1,13
	Назорат	283	39E 56,3	90F 117,6	132G 93,5	22H 15,6	3,51	48,6%	
	Жами	563	112	234	186	31		100%	1,13

Четлашишлар етарлича катта бўлганлиги учун тажриба гуруҳидаги ўқувчиларнинг билим даражаси 95% ишончлилик билан назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билим даражаларидан юқори эканлиги аниқланди. Тажриба-синов натижалари умумлаштирилиб, гистограмма кўринишида 6-расмда тасвирланган.



6-расм. Ўқувчиларнинг тажриба-синов якунида ўзлаштириш кўрсаткичи гистограммаси

Бу эса тадқиқот ишимиз орқали ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг педагогик нуқтаи назардан ишончлилигини ҳамда статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган ижобий натижаларга олиб келганлигини тасдиқлайди. Аниқланган ўзлаштириш самарадорлигининг бирдан катталигини ($\eta = 1,13 > 1$) ёки 13% га ошганлигини кўриш мумкин. Демак, биз тавсия этган ўқитиш методикаси анъанавий олиб борилган ўқитиш методикасига нисбатан самарали эканлиги математик статистика методлари орқали исботланди. Ўтказилган тадқиқот ишлари илгари сурилган илмий фаразнинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот доирасида амалга оширилган илмий таҳлиллар ва изланишлар, тақдим этилган таклиф ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Амалга оширилган тадқиқотлар умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида астрономик тушунчаларни медиатаълим асосида шакллантиришнинг мазмуни, шакли, методлари, восита ва технологияларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Юқоридаги ҳолатлар астрономия ўқитишда астрономик тушунчаларни медиатаълим асосида шакллантириш имкониятлари ҳамда унинг компонентлари, ўқув-методик таъминоти, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди.

2. Медиатаълимни астрономия ўқитишда қўллашнинг педагогик имкониятлари такомиллаштирилди, ўқувчилар онгида астрономик тушунчалар, уларнинг қўлланилиши, аҳамияти ва ўрни аниқланди. Тегишли бўлимлардаги астрономик тушунчаларни медиатаълим асосида ўқитишнинг дидактик имкониятлари ҳамда таълим мазмунини такомиллаштириш тамойиллари (боғлиқлик ва репрезентативлик, тўлиқлик, тарихий аҳамиятлилик, изчиллик) асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар илмий жиҳатдан асослаб берилди.

3. Умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқитиш жараёнида медианинг қўлланилиши ва унинг ўрни ва роли, замонавий астрономияни ўқитиш асосида илмий астрономик билимлар ва медиатаълимдан самарали фойдаланиш ётиши кўрсатиб берилди. Ўқувчиларнинг астрономияни ўрганишда медиадан самарали фойдаланишлари учун астрономия ўқитишнинг медиатаълим модели шакллантирилди.

4. Астрономиянинг медиатаълим билан интеграциясини таъминлаш учун зарурий кўникмалар тизими келтирилди.

5. Умумий ўрта таълим мактабларининг астрономия дарслигидаги мавзулар таҳлил қилиниб, мавжуд ҳолат аниқланди, уларнинг мазмунига медиатаълим элементлари сингдирилиб, ўрганилиш вақти мазмун жиҳатдан мослаштирилди.

6. Умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фани мавзуларини медиатаълим асосида ўқитишнинг самарали эканлиги кўрсатиб берилди ва уларни амалда қўллаш методикаси ишлаб чиқилди.

7. Умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқитишда медиатаълимни қўллашга оид таклифлар умумий ўрта таълим ва олий таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларда фанга оид ва касбий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилди.

8. Диссертациядаги асосий хулоса ва таклифлар тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилганлиги, мавжуд муаммолар ўз ечимини топганлигини кўрсатди. Тадқиқот натижалари умумий ўрта таълим мактаблари астрономия фани дастури ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар компетенцияларига қўйиладиган талаблар мазмунига сингдирилиши эса

илмий тадқиқот иши назарий ва амалий аҳамиятга эга деб тасдиқлашга имкон беради.

Юқорида келтириб ўтилган хулосаларни инобатга олиб, қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Астрономия ва медиатаълимни интеграциялашда, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш маданиятини, яъни медиамаданиятини мавжуд урф-одатларимиздан келиб чиқиб шакллантириш тавсия этилади.

2. Астрономия ва медиатаълимни интеграциялашда ўқувчиларда миллий ўзлигимизга хос бўлмаган ахборотларга нисбатан иммунитетни ҳосил қилиш муҳимдир. Аудиторияга етказилаётган ҳар қандай медиахабарни танқидий таҳлил қилиш ва улардан ўқувчиларнинг астрономик тушунчалар ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш учун фойдаланишда унинг функционал жиҳатларига эътибор қаратиш тавсия этилади.

3. Астрономияни медиатаълим асосида ўқитишда асосан илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш ва ушбу маълумотларни интернет тармоғидан излаб топишни ўқувчига ўргатиш бу жараённинг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Бунда ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмалари шаклланади. Медиатаълим орқали ўқитишда ўқувчиларнинг интернет манбаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун даставвал, уларнинг информатика фани бўйича билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш таклиф этилади.

4. Астрономия сингари табиий фанларни ўқитишда медиатаълимдан фойдаланиш ўқувчиларда аниқ тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради. ОАВ да маълумот тарқатаётган журналист астроном бўлмаслиги мумкин, буни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи берилаётган медиахабардаги маълумотларни ўқувчига танқидий таҳлил қилишга кўмаклашиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НАРБАЕВ АЗАМАТ БАХРАМОВИЧ

**МЕДИАОБРАЗОВАНИЕ КАК СРЕДСТВО ПРИ ИННОВАЦИОННОМ
ПОДХОДЕ ОБУЧЕНИЯ АСТРОНОМИИ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (астрономия)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.PhD/Ped1115.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета (www.terdu.uz), а также на Информационном образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Мамадазимов Мамадмуса
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Махмудов Юсуп Ганиевич
доктор педагогических наук, профессор

Камалов Амангелди Базарбаевич
доктор физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: Институт астрономии АН РУз имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «20» 05 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению научных степеней PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 при Термезском государственном университете. (Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (376) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, E-mail: termizdu@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета (зарегистрирована за № 18). 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (376) 221-74-55.

Автореферат диссертации разослан « 12 » 05 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 4 от «12» 05 2021 года).



И.Т. Чориев

И.Т. Чориев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.п.н., профессор

М.К. Бозорова

М.К. Бозорова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.п.н., доцент

Х.Ж. Худойкулов

Х.Ж. Худойкулов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире широко используются возможности медиаобразования для защиты сознания молодого поколения от вредного влияния информационного пространства и их интеллектуального развития. В ряде развитых зарубежных странах как Австралия, Канада и США, медиаобразование было приспособлено внедрено в учебный процесс в качестве отдельного предмета в обучении молодежи различию между реальной жизнью и медиа, роли медиа в жизни, осознании истинной сущности информации, политические, социальные и экономические аспекты медиа и его языка. Отдельно признаны Международной организацией ЮНЕСКО вопросы обучения посредством медиа, развития медиаграмотности и навыков критического мышления учащихся о медиаисточниках, разработки мер по снижению негативного воздействия медиа.

На международном уровне для повышение медиаграмотности учащихся проводятся научные исследования по развитию интеграции медиаобразования в содержание учебных предметов, снижению негативного влияния медиа на человека, а также с обеспечения правильности и достоверности медиасообщений. Эти исследования играют важную роль в развитии способности воображения и компетенции учащихся при обучении астрономии, разработке новых методов и системы навыков для работы с медиасообщениями астрономического содержания. А это предусматривает необходимость создания методической системы по использованию медиаобразования в обучении астрономии.

В результате реформ, направленных на образование в нашей стране, создаются благоприятные возможности для развития материально-технической базы образовательных учреждений и системы обмена информацией, интеграции информационных технологий и программно-педагогических средств в учебный процесс, совершенствования учебно-методического обеспечения. Наглядным примером является то, что постановления в текущем году Нашем Президентом вопроса об изучение физики, а также иностранных языков является приоритетной задачей. При внедрение этих реформ в процессе обучения астрономии, наряду с положительными сторонами возникают актуальные проблемы. К ним можно отнести такой пример: многие преподаватели, ведущие астрономию в общеобразовательных школах Нашей Республики является специалистами предмета физики, и это говорит о части о том, что они должен пройти курсы повышения квалификации для обогащения и пополнения своих астрономических знаний, навыков и умений, что у них недостаточном уровне информации в области астрономии, и вряд ли они имеет представления о последних открытиях в астрономии и здесь нам хочется отметить, что для реализации этих вопросов в настоящее время школа остро нуждается в современных лабораторных оборудованиях и учебно-наглядных пособиях. И

для решение вышеуказанных задач важное значение имеет эффективное использование возможности медиаобразования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, установленных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3275 от 14 сентября 2017 года «О создании государственной специализированной общеобразовательной школы-интерната имени Мирзо Улугбека и парка «Астрономии и аэронавтики» и Кабинета Министров № 187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов среднего и среднего специального, профессионального образования», а также других нормативно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления агентства науки и технологии республики – I.«Духовно-моральное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей стране, в системе непрерывного образования, вопросы по развитию теоретических основ астрономии изучали: М.Мамадазимов, С.Нуритдинов, И.Саттаров, Ш.Эгамбердиев, Б.Махмудов, С.Ильясов, Б.Ахмедов, Ч.Шерданов и другие учёные. Теоретические и методологические основы использования современных информационно-коммуникационных технологий в образовании исследованы А.Абдукодировым, Б.Абдуллаевой, М.Алламбергеновой, У.Бегимкуловым, И.Билоловым, М.Джораевым, Х.Махмудовой, М.А.Мирзаевой, Б.Саттаровой, Г. Умаровой и другими учёными.

Проблемы преподавания естествознания на основе медиаобразования и инновационных технологий в странах Содружества Независимых Государств нашли отражение в исследованиях А.Журина, Л.Белоозерова, М.Л.Варлаковой, Н.В.Дмитриевой, О.М.Севостьяновой, Н.Гомулиной, Н.Емеца, Ю.Икренниковой, Ю.Ярмака, Н.Соколовой и другие.

О проблемах преподавания астрономии за рубежом исследование проводили Д.А.Мюллер, Э.Брогт, С.Дж.Слейтер, М.К.Венгер, Х.Дж.Ли, В.М.Шлингман, И.Хайер, К.И.Вильямсон, Ш.Гиллетт, З.Э.Бак, В.Р.Александр, Д.Дж.Сторк, А.Фавиа, П.Руссо, А.Р.Олмстед, Т.С.Спак, Д.А.Людович, Р.Р.Людвиг, Х.М.Родригес, Ф.Торранг и другие учёными.

Проблемы обучения астрономии на основе медиаобразования и инновационных технологий отражены в исследованиях Л.Гугенейм, Д.Макналли, Дж.Перси, Б.Бектасли, А.Хек, К. Мадсен, Р. Минц, А. Ерликая, Р. Трампер, И. Ханнула, К. Моури и других исследователей.

Несмотря на осуществление множества научно-исследовательских работ по проблемам преподавания дисциплины «Астрономия», недостаточность

внимания развитию представлений, учащихся об астрономических явлениях и понятиях в процессе преподавания данной дисциплины в общеобразовательных школах. Недостаточность исследований в области развития представлений у учащихся о Вселенной, их медиаграмотности и способности работать независимо, используя медиаобразование в качестве средства в преподавании астрономии на основе инновационного подхода диктует необходимость проведения научного исследования по развитию представлений учащихся об астрономических явлениях и понятиях, их способности работать независимо в преподавании дисциплины «Астрономии» в общеобразовательных школах на основе медиаобразования.

